

Андижон шаҳар ҳокимлиги Хузуридagi
тадбиркорлик субъектларига давлат
хизматлари курсатиш «Ыона дарча»
Маркази томонидан

Андижон вилоят Ҳокиминини 2016 йил
24 октябр кунги 425-К-сонли қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

«КАЙТА ДАВЛАТ РЎЙЎНЛАШТИРИШ
ЎТКАЗИЛГАН»



“16” 02 2017 йил № 187-сонли
реестр тартиб рақами билан

Andijon viloyat xokimligi Xuzuridagi

**“VILOYAT KOMPYUTERLASHTIRISH
MARKAZI”**

Davlat unitar korxonasi

U S T A V I

Андижон шаҳри.2017 йил.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 “**VILOYAT KOMPYUTERLASHTIRISH MARKAZI**” davlat unitar korxonasi (бундан кейин - Марказ деб юритилади) Андижон вилоят ҳокимлиги муассислигида (бундан кейин - муассис деб юритилади) ҳузурида ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида” ҳамда “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармони, “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2005 йил 8 июлдаги ПК-117-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли, “Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 1 февралдаги 24-сон қарорлари ҳамда Андижон вилоят Хокимининг 2016 йил 24 октябр кунги 425-К-сонли қарори асосида қайта ташкил этилиб. мазкур Уставга асосан ўз фаолиятини олиб боради.

1.2 “**VILOYAT KOMPYUTERLASHTIRISH MARKAZI**” davlat unitar korxonasi Андижон вилоят Хокимининг 2008 йил 03 август куни 130-К-сонли қарори билан давлат рўйхатига олинган “Андижон вилоят ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш маркази” негизида қайта ташкил килинди.

1.3 “**VILOYAT KOMPYUTERLASHTIRISH MARKAZI**” davlat unitar korxonasi “Андижон вилоят ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш марказининг барча мажбуриятлари буйича ҳукукий вориси ҳисобланади.

1.4 Марказ муассиси: Андижон вилояти ҳокимлиги, Инн:200237839. Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 239-а уй манзилида жойлашган.

1.5 Марказнинг юридик номи:

Тўлик номи: “Viloyat kompyuterlashtirish markazi” davlat unitar korxonasi.

Қисқа номи: “Viloyat kompyuterlashtirish markazi” DUK;

Рус тилида: Государственное унитарное предприятие “Центр компьютеризации области”.

Қисқа номи: ГУП “Цетр компьютеризации области”.

1.6 Марказ манзили: Андижон вилояти, Андижон шаҳри. А.Фитрат кўчаси, 239 – уй.

1.7 Марказ чекланмаган муддатга ташкил этилган.


2 МАРКАЗНИНГ ЮРИДИК МАКОМИ

2.1. Марказ давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг юридик шахс ҳисобланади.

2.2. Давлат ва унинг органлари Марказнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, шунингдек Марказ ҳам Давлат ва унинг органлари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

2.3. Марказ банк ҳисоб ракамларига, шу жумладан валюта ҳисоб ракамларига, рамзи, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг юридик номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга.

2.4 Марказ юридик шахс ҳисобланиб, ўз фаолиятини ўз-ўзини молиявий таъминлаш асосида амалга оширади, алоҳида мол-мулкка ва муетиқидан баъзи эгаларга эга бўлиш ва мажбуриятларни юклатилган мажбуриятларни бажаради ва фаолияти билан боғлиқ бўлиш ва мажбуриятларни фойдаланади, мулк ва шахсий номулк ҳуқуқларга эга бўлиш ва мажбуриятларни бажариш, судда, ҳужалик судида жавобгар ва даъвогар бўлиши мумкин.



2.5 Марказ ўз мажбуриятлари бўйичаўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Марказ мулки етарли бўлмаганда Марказ мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.

2.6 Марказ муассис мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

2.7 Марказнинг филиалли ва ваколатхонаси мажбуриятлари бўйича уларни ташкил этган Марказ жавоб беради.

3 МАРКАЗ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

3.1 Марказ муассис билан келишув бўйича, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

3.2 Филиал ёки ваколатхона ташкил этилгандан кейин бир ҳафта муддатда Марказ бу тўғрида Ўзбекистан Республикаси Давлат мулки қумитасининг ҳудудий бошқармасини ҳабардор қилади.

3.3 Марказ филиаллари ва ваколатхоналари уларни ташкил этган Марказ номидан, ушбу Марказ томонидан тасдиқланган Уставлар асосида фаолият кўрсатади ва уни ташкил этган Марказ мулкига эга бўлади.

3.4 Марказ филиали ёки ваколатхонаси раҳбари Марказ директори томонидан муассис билан келишган ҳолда тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади. Филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда ишончнома Марказ директори томонидан бекор қилинади.

4 МАРКАЗНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАСИ ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

4.1. Марказ фаолиятининг асосий мақсади - жойларда компьютерлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда жамоатчиликни ушбу хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш, шунингдек, Муассиснинг манфаатида даромад олиш ҳисобланади.


4.2. Марказнинг вазифалари:

- замонавий халқаро тенденциялар ва минтакаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мувофиқ жойларда компьютерлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ахборот ресурсларини юритиш ва янгилаш минтакаларда ташкил этилган ва ташкил этиладиган давлат ахборот ресурсларини ва ахборот тизимларини рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш;
- вилоят ҳокимликлигининг веб-порталини доимий равишда янгилаб бориш, интерактив давлат хизматлари, шу жумладан “бир дарча” тамойили бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;

минтақада ахборот-коммуникация технологияларининг ҳолатини ва уларни ривожлантириш истиқболларини доимий равишда таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш.


4.4 Марказ фаолиятининг предмети:

- Ўзига берилган ваколатлар доирасида вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасалардан зурурий маълумот ва бошқа турдаги меъёрий ҳужжатларни сўраб олиш;
- вилоят ҳокими ўринбосарларининг котибиятлари, судурий бўлақлар ва давлат бошқарув органлари ва ҳудудий бўлақларнинг тўғридан-тўғри туман



(шаҳар) ҳокимликларидан марказга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотларни олиш;

- белгиланган вазифалар доирасида туман (шаҳар) ҳокимликлари, вилоят корхона, ташкилот, муассаса ва жойлардаги маҳаллий давлат органларининг иш услубларини ўрганиш;
- заруратга кўра вилоят ҳокимлигининг гуруҳ ва котибиятлари, давлат бошқаруви органлари ҳудудий бошқармалари, корхона, ташкилот ва муассасаларининг мутасадди мутахассисларини вилоят ҳокимлигида кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлаш ишларига жалб қилиш.
- шартномалар тузиш, олди-сотди амаллари, белгиланган тартибда улгуржи ва чакана хизмат кўрсатиш;
- амалдаги қонунга асосан ташқи иқтисодий фаолият кўрсатиш;
- маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа кўчар ва кўчмас мулкни ижарага олиш ва бериш;
- ишлаб чиқарган маҳсулоти, кўрсатган хизматига бозор конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда ёки келишилган баҳоларда нарх белгилаш;
- банк кредитларидан фойдаланиш;
- ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этиш;
- филиаллар, ваколатхоналар ва ўқув марказлар очиш;
- вилоятда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ишларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш;
- вилоят ҳокимлигида ҳамда жойлардаги давлат бошқаруви органларида локал ва корпоратив компьютер тармоқларини ташкил қилиш, уларни кенгайтириш ва такомиллаштириш, унда электрон ҳужжат айланиши тизимларини шакллантириш;
 - иш юритиш, бошқарув ва назорат қилишнинг замонавий усулларига ўтишни таъминлайдиган компьютер дастурлари яратиш ва вилоят ҳокимлиги ҳамда жойлардаги давлат бошқаруви органлари тизимларида жорий этиш;
 - вилоят ҳокимлигининг марказлашган электрон маълумотлар банкларини шакллантириш, уларнинг хавфсизлиги ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- вилоятда электрон рақамли имзо калитларини таркатиш бўйича ишларни ташкил этиш;
- ахборот хизматини ташкил этиш, вилоят ҳокими томонидан белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда катнашиш;
- жойларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига қарор қабул қилиш учун таклифлар киритиш;
- вилоят ҳокимлиги фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаш;
 - вилоят ҳокимлиги расмий веб саҳифасини такомиллаштириш ва доимий фаол ишлашини таъминлаш;
 - қонунчиликда белгиланган тартиб асосида вилоятда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ташкилот ва Марказларнинг раҳбар ва мутахассис ходимларини ўқитиш учун компьютер саводхонлиги ўқув курсларини ташкил этиш;
 - вилоят ҳокимлик тизимининг ички ва ташқи алоқаларини мустаҳкамлашда ҳамда кенгайтиришга хизмат қилиш;
 - Республикада компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ишлар ва ушбу йўналишда амалдаги фаол иштирок этиш ва вилоят манфаатларини фойдалаш;




- вилоят ҳокимининг тегишли топшириклари ижросини таъминлаш;
- WEB-сайт яратиш ва жорий қилиш;
- фукаралар ва юридик шахсларга пуллик воситачилик хизматлари, шу жумладан интернет WEB сайтлари орқали хар ҳил турдаги товарларни сотиб олинишида ва сотилишида савдо-воситачилик хизматлари кўрсатиш;
- дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- WEB дизайн;
- WEB сайтларни оптимизациялаш;
- компьютер ва бошқа техника, аудио-видеотехника, техник ускуналарни йиғиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш;
- уяли телефон алоқалари бўйича барча турдаги хизматлар кўрсатиш;
- видеокузатув камералари, домофон ва турникетлар ўрнатиш ва ва хизмат кўрсатиш;
- корпоратив ривожлантириш ва рекрутинг фаолияти билан шуғулланиш;
- ўқув тренерлари тайёрлаш, тренинг маркази ва курсларини ташкил қилиш;
- бренд ва ном яратиш (брендинг, нейминг), промо махсулотлар яратиш ва ишлаб чиқариш;
- техникани таъмирлаш ва қайта тиклаш;
- диллерлик фаолиятини амалга ошириш;
- дизайнерлик ишлари, рассомлик-безатиш ишлари;
- реклама-ахборот махсулотларини чиқариш;
- полиграф ва босмахона хизмати;
- фото-видео-теле-аудио хизматини кўрсатиш;
- интернет реклама ва ижтимоий тармоқларда реклама хизматлари кўрсатиш;
- угуржи ва чакана савдо;
- реклама ва ахборот хизмати;
- нашриёт фаолияти;
- ташки иктисодий фаолият;
- янги технологияларни, «ноу-хау»ларни яратиш, тадбик этиш;
- илмий-изланиш ва лойиха-конструкторлик ишларини ташкил этиш;
- амалдаги конунчиликка зид бўлмаган бошқа фаолиятлар («Тадбиркорлик фаолияти эркинликлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 19-моддасига асосан);

4.3 Марказ фаолиятнинг лицензияланадиган турларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда, тегишли лицензия олмасдан амалга оширишга ҳақлидир.

V. МУАССИСНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Марказ муассисси куйидагиларга ҳақлидир:

- Марказ фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилаш;
- Марказ Уставига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш;
- Марказ директори билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;
- Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Марказ мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;
- Марказнинг ортиқча, фойдаланилмаётган мулкларини тасарруф этиш ва фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш.



- зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига Марказни хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш бўйича таклифлар киритиш;

- Марказга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Марказ директориغا нисбатан даъво тақдим этиш;

- амалдаги қонунчиликда ва Марказнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

- амалдаги қонунчилик ва Марказ таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

- фойдани тақсимлаш;

- Марказнинг устав фондидаги уз улушини ёхуд унинг бир қисмини амалдаги қонунчилик ва Марказ Уставида назарда тутилган тартибда сотиш ёки ўзга тарзда воз кечиш;

- амалдаги қонунчилик ва Марказ таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда Марказдан чиқиш;

- Марказ тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини олиш;

- Марказ муассисси амалдаги қонун ҳужжатларида ва Марказнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин

5.2. Марказ муассисси қуйидаги мажбуриятларни олади:

- Марказ директорини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг билан меҳнат шартномаси тузиш;

- Марказ давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида Марказнинг устав фондини унга давлат мулкни тезкорлик билан бошқариш учун бериш йули билан шакллантириш;

- ҳар йили Марказнинг бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳар чорақда ижро этувчи органнинг унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботини эшитиш;

- бозор қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошадиган мол-мулкни ушбу Уставнинг 6.4-бандига мувофиқ мулкни тасарруф этиш учун Марказнинг ижро этувчи органига рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорни тегишли равишда Давлат мулки кумитасининг ҳудудий бошқармаси билан келишиш;

- Марказга берилган давлат мулкidan мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек, унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

- Марказ фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмаслик. Ошкор этилмайдиган ахборотларнинг ҳажмига барча тижорат шартномапар ишлаб чиқариш, техник ва бошқа Марказ фаолияти тўғрисидаги ахборотлар қиради.

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва Марказ таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.


VI. МОЛ-МУЛК ВА МАБЛАҒЛАР

6.1. Марказ мулки:

- муассис томонидан Марказга тезкор бошқариш ҳуқуқи билан биркитилган мулк;
- вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган сметага асосан молиялаштирилади;
- марказнинг уз фаолиятидан олинган даромадлари;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.
- фуқаролар, шунингдек, муассасалар, Марказлар ва жамоат бирлашмаларининг ихтиёрий улушлар ва ажратмалар;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган шартлар ва тушумлар;

- бегараз ва хайрия бадаллар;

6.2 Марказ мулкининг қиймати Марказнинг мустақил балансида акс эттирилади.

6.3 Марказ мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан, Марказ ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

6.4 Марказ мулкни тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда Марказнинг ижро этувчи органи томонидан муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

- асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;
- мулкни хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;
- хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;
- хўжалик жамиятларидаги Марказга тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;
- мулкни Марказ фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

6.5 Марказга тегишли бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотиш Давлат мулки қумитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан амалга оширилади.

6.6 Марказ ўзига тегишли бўлганбошқа мол-мулкдан мустақил равишда фойдаланади.

VII. УСТАВ ФОНДИ

7.1 Марказни тузиш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун 10 000 000 (ўн миллион) сўм миқдоридан устав фонди ташкил этилади.

7.2 Муассиснинг Устав фондидаги улушлари қуйидагича тақсимланган:

-Андижон вилояти ҳокимлиги - 10 000 000 сўм ёки 100 %.

7.3 Муассис Устав фондидаги улушини пул маблағлари, мол-мулк, кўчмас мулк, асбоб-ускуналар, интеллектуал мулк ва бошқа кўринишда киритиши мумкин.

7.4 Марказнинг Устав фонди Марказнинг фаолиятидан олинган даромади ва мол-мулки ҳисобидан, зарур бўлганҳолда эса Муассисни натура ёки пул кўринишидаги шахсий улушлари ҳисобидан оширилиши мумкин. Устав фонднинг оширилиши тўғрисидаги қарор Муассис томонидан қабул қилинади.


VIII. МАРКАЗ ХУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

8.1 Марказ қуйидаги ҳужжатлари и сақлаши шарт:

- Марказ таъсис ҳужжатлари, уларга киритилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар;
 - Марказ муассиссининг Марказни ташкил этиш ва Марказ устав фондига қўшиладиган пулсиз улушларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек Марказни ташкил этиш билан боғлиқ бошқақарорлар;
 - Марказни давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат,
 - Марказнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлганҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
 - Марказнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги Уставлар;
 - Марказ муассиссининг, ижроия органи мажлисларининг барча баённомалари;
 - конун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқаҳужжатлар.

8.2 Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар Марказнинг ижроия органи жойлашган манзилда сақланади.

8.3 Марказ, агар конун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Уставнинг 8.1-бандида кўрсатилган ҳужжатларни равишда сақлаши шарт.



8.4 Марказ муассиссининг ёки у томонидан тайинланган аудиторнинг талабига биноан Марказ уларга Марказнинг таъсис хужжатлари билан, шу жумладан унга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан, шунингдек, конфиденциал ҳисобланмаган маълумотлар билан танишиш имкониятини бериши шарт.

8.5 Муассиснинг талабига биноан Марказ унга Марказнинг Устави, уларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни нусхаларини бериши шарт

IX. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

9.1 Марказ мустақил равишда хўжалик фаолиятини режалаштиради ва бозор иқтисодиёти асосида хизматларга реал бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда нархларни белгилайди.

9.2 Марказ мустақил равишда Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда бухгалтерлик ҳисоб, молиявий ва статистик ҳисоботни амалга оширади.

9.3 Моддий техника базасини асосий ва айланма маблағлар, шунингдек, бошқа моддий бойликлар ва молиявий захиралар ташкил этади. Марказнинг ўз маблағлари унинг тўлиқ тасарруфида бўлади ва Ўзбекистон қонунчилигида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари олиб қўйилмайди.

9.4 Қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда Марказ директори томонидан тасдиқланган ходимлар жадвали, меҳнатга ҳақ тулаш ва рағбатлантириш тартиби жорий этилади.

9.5 Мустақил равишда ходимларни касб ва малака савиясини белгилайди.

9.6 Белгиланган муддатларда молия, солиқ статистика органларига олинган даромадлар тўғрисида қонун белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

X. ДАРОМАДНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗИЁНЛАРНИ ҚОПЛАШ

10.1 Барча мажбурий туловлар ва солиқлар туланганидан сунг Марказихтиерида қоладиган маблағлар Марказ даромадини ташкил этади ва ундан муассиснинг қарорига биноан фойдаланилади.

10.2 Марказда қуйидаги фондлар шакллантирилиши мумкин:

- Марказ Устав фондининг 15 фоизи микдорида захира фонди ташкил этилади. Захира фонди белгиланган микдорга етгунча ҳар йили соф фойдалан 5 фоизлик ажратмалар ҳисобига шакллантирилади.
- Марказ молия-хўжалик фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондлар. Шакллантириладиган фондларнинг микдори Муассис қарори билан белгиланади.


10.3 Марказ амалдаги қонун ҳужжатларида ман қилинмаган нархлар бўйича ва тартибда, пул ўтказиш йули билан ёки нақд пулга ўз маҳсулот ва хизматларини сотади.


10.4 Молиявий - хўжалик фаолияти натижасида вужудга келган зиёнлар Марказнинг захира фонди ҳисобидан, у етмаган ҳолда эса Марказнинг мол-мулки ёки Муассиснинг мақсадли қўшимча улушлари ҳисобидан амалга оширилади.

XI. МАРКАЗНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ

11.1. Марказнинг бошқарув органлари қуйидагилар:

- Марказ муассиси;
- Ижроия органи (директор).



ХИ. МАРКАЗ МУАССИССИ

12.1 Марказнинг энг олий органи булиб Муассис ҳисобланади.

12.2 Муассиснинг мутлок ваколатларига куйидагилар киради:

- Марказ фаолиятининг асосий йуналишларини белгилаш, шунингдек, бошқа тижорат корхоналари ва бирлашмаларда иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Марказ устав фонди микдорини ўзгартириш;
- таъсис ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, ёки уларни янги тахрирда тасдиқлаш;
- Марказнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерлик балансларни тасдиқлаш;
- Марказнинг соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- аудиторлик текширувларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик Марказлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган хакнинг энг кўп микдорини аниқлаш;
- Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балани белгилаш;
- амалдаги конунчиликда назарда тутилган бошқа масалалар.

QIYOSAT QILINISH KAMAR HOKIMLIGI
 XUZURIDAGI TADBIRKORLIK
 SALOHATI BIR QANCHA XIZMIDAVLAT
 XIZMATLARI KO'RSATISH
 "YAGONA DARCHA MARKAZI"
 RO'YXATDAN O'TKAZILDI
 "16" 02 2017Y.
 № 182

ХIII. ИЖРО ОРГАНИ (Директор)

13.1. Марказнинг ижро органи булиб Директор ҳисобланади ва Марказнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

13.2. Директор Муассис томонидан 5 йил муддатга, ваколатларни янги муддатга узайтириш ҳуқуқи билан тайинланади ва шу тартибда вазифасидан озод этилади.

13.3 Директор лавозимиغا Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланади. Директор билан тузилган меҳнат шартномасини Муассис имзолайди

13.4 Директор Муассис қарори бўйича чакириб олиниши мумкин.

13.5 Марказ Директорини ҳуқуқлари:

-Марказ олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади;

-Марказ номидан ишончномасиз фаолият курсатади ва унинг манфаатларини ифодалайди;

-Марказ номидан битишувларни белгиланган тартибда амалга оширади;

-ҳодимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради;

-ҳодимларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

-ҳодимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорларини муассис билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

- Марказнинг барча ходимларига мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва курсатмалар беради.

13.6. Марказ директори мажбуриятлари:

-муассис олдида Марказ Уставида белгиланган тартибда Марказ фаолияти туғрисида ҳисоб беради.

-уз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Марказ манфаатларини кузлаб ҳаракат қилишга;

-бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг ва иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаши;

-меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг кондирилишини таъминлаш;

-Муассиснинг уз фаолиятига алоқадор қарорларининг тайёрлашни ва бажарилишини ташкиллаштиради ва уларни бажарилиши туғрисидаги ҳисоботларни тақдим этади;

13.7 Директорнинг жавобгарлиги:

- Марказ фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган охтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Марказга берилган давлат мулки йуқолган тақдирда, Марказга етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

13.8. Директор Муассисга ҳисобдор ва унинг олдида Марказ фаолиятининг амалга оширилиши ҳамда унга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун жавобгар булади.


13.9 Директор, шунингдек, Муассис томонидан ваколат берилган шахс Марказ номидан имзо қуйиш ҳуқуқига эга.

ХIV. МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

14.1. Марказда алоҳида назорат органи кўзда тутилмайди.

14.2 Марказ молия-ҳўжалик фаолияти устидан назорат муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

14.3 Марказ ҳисобот даври тугагач, ваколатли органлар ва бошқа ҳужжатлар билан рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар билан тақдим этилади



амал ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

14.4 Марказ фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

XV. МАРКАЗНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ

15.1 Марказнинг тижорат сирини деганда давлат сирини аҳамиятига эга бўлмаган услубий ахборот, бошқариш, режалаштириш, молия ва Марказнинг бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган, уларни ошкор этиш (бериш, ўтказиш) унинг манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлган маълумотлар тушунилади.

15.2 Ҳар бир ходим барча, шу жумладан бехосдан олинган Марказнинг молия ва бошқа характердаги фаолияти билан боғлиқ ахборот ва маълумотларни ошкор этилмаслигини ва бундай ахборотнинг тарқалишини олдини олиш бўйича чоралар кўришга мажбурдир.

15.3 Тижорат сирини ошкор этилганда Директор ахборотни янада тарқалишини олдини олиш бўйича барча чораларни кўради ва айбдор шахсни Марказдан чиқариб юборилишини амалга оширади.

XVI. МАРКАЗНИ КАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

16.1. Марказни қайта ташкил этиши ёки тугатиш муассис қарорига кўра, тегишли ~~реестрда~~ Давлат мулки қумитасининг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49-56-моддалари тартибда амалга ~~оширилади.~~

16.2 Марказни қайта ташкил этиш Муассис қарори бўйича уни кушиб юбориш, ~~бериш~~ ~~тириш~~, бўлиш, ажратиш чиқариш, қайта тузиш йўли билан амалга оширилади. ~~Марказни қайта ташкил этишда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисига утати.~~

16.3 Марказни тугатиш Муассис ёки хўжалик судининг қарорига асосан амалга ~~оширилади.~~

16.4 Марказни давлат рўйхатидан ўтказган орган томонидан Марказларнинг ~~ёна~~ давлат реестрига тегишли ёзув киритилган вақтдан бошлаб Марказни тугатиш ~~яқиндан~~ ~~танган~~, Марказ эса ўз фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

XVII. ЯКУНЛОВЧИ КОИДАЛАР

17.1 Уставмарказқонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган кундан ~~бошқаб~~ кучга киради.

17.2 Марказда ўз ифодасини топмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича тартибга солинади.

“Viloyat kompyuterlashtirish markazi”
davlat unitar korxonasi direktori:

З.Саматов

